

### III. ИССИҚЛИК ЭНЕРГИЯСИНИНГ НАРХИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

- 3.1. Иссиқлик энергияси учун туловларни амалга оширишнинг ҳисоб-китоб даври бир ой ҳисобланади.
- 3.2. “Истеъмолчи”га етказиб берилган иссиқлик энергиясининг миқдори кiritиш қисмида урнатилган ҳисобга олиш приборларининг курсаткичлари буйича аниқланади. (Агарда «Истеъмолчи»нинг иссиқлик энергия ёки иссиқ сув таъминотига ҳисобга олиш прибори урнатилган бўлса, бу ҳақида икки томонлама тузилган далолатнома ушбу шартномага илова қилинади. «Истеъмолчи» объектларида иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш приборлари урнатилмаган бўлса, «Иссиқлик энергияси ишлаб чиқиш, узатиш учун ёқилги, электр энергияси, иссиқлик энергияси ва сув сарфлари меъёрларини ҳамда иссиқлик юктамаларини, иситиш қозонхоналарининг уз эҳтиёжлари учун иссиқлик энергиясини сарфини, шунингдек иссиқлик тармоқларидаги йуқотишларни аниқлашнинг ҳисоблаб чиқиш методикаси»га биноан ҳисобланган билиларини иситишга керакли бўлган иссиқлик миқдори буйича ҳисоб-китоб қилинади.)
- 3.3. “Таъминотчи”нинг объектларида урнатиладиган иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш приборлари “Истеъмолчи” томонидан сотиб олинади ва урнатилади. “Узстандарт” агентлигида аттестациядан ўтказилгандан кейин шартнома асосида “Таъминотчи”нинг хизмат курсаткишига ўтказилади. “Истеъмолчи”да урнатилган ҳисобга олиш приборлари “Истеъмолчи”нинг ўзи томонидан “Узстандарт” агентлигида аттестациядан (прибор комплектида 2 йилда, термометр 1 йилда бир марта) ўтказилади. “Истеъмолчи”нинг ўзи томонидан прибор счиб олинади, таъмирланади, урнатилади ва эксплуатация қилинади.
- 3.4. “Таъминотчи” томонидан хизмат курсатиладиган ҳисобга олиш приборларини таъмирлаш даври мобайнида иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китоблар приборлар тўхташидан олдинги охири 15 сутка утув урғача суткалик сарф буйича амалга оширилади. “Истеъмолчи”нинг балансидаги иссиқликни ҳисобга олиш приборлари таъмирлаш учун 15 суткагача бўлган муддатга тўхтатилганда иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китоблар приборлар тўхташидан олдинги охириги 15 сутка учун ўрғача суткалик сарф буйича, 15 суткадан кўп бўлган муддатга тўхтатилганда эса ҳисоб-китоблар шартномадаги бир соатлик юклама ва иссиқлик энергиясини узатиш соатлари сони буйича амалга оширилади.
- “Истеъмолчи” ҳисобга олиш приборларини таъмирлаш тугагунгача истеъмол қилишни тўхтатиб туришга ҳақиқидир, бу ҳолда “Таъминотчи” беркитилган арматурасини ломбалайди ва бу ҳақида биргаликда далолатнома тузилади.
- 3.5. Ҳисобга олиш приборлари бўлинини чегарасида урнатилмаган тақдирда иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китоблар бўлинини чегарасида ҳисобга олиш приборлари урнатиладиган жойгача бўлган участкадаги иссиқлик энергияси йуқотишларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Йуқотишларнинг ҳисоб-китоби “Иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш ва узатиш учун иссиқлик юктамаларини, ёқилги, электр энергияси, иссиқлик энергияси ва сув сарфлари меъёрларини ҳамда технологик йуқотишлар меъёрларини аниқлаш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ амалга оширилади.
- Йуқотишларнинг ҳисоб-китоби “Таъминотчи” томонидан “Истеъмолчи” билан биргаликда тармоқларнинг мансублиги ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади ва икки томонлама далолатнома тузилади.
- 3.6. Қуйидаги ҳолларда тармоқ сувидаги иссиқлик энергияси йуқотишлари “Истеъмолчи” томонидан шартномавий нархлар буйича туланади:
- иссиқлик тармоқларининг гидравлик ва ҳароратли синовлари ўтказилиши билан боғлиқ йуқотишлар урнини тулдириш;
  - “Истеъмолчи” тармоғини унинг буюртмаюмаси буйича тулдириш, аварияли вазиятлар ҳам шу жумлага қиради;
  - “Истеъмолчи”дан қайтариладиган паст сифатли (таркибида темир, механик қоринчмалар ва бошқалар мавжуд бўлган) орқага қайтадиган тармоқ сувини сиздириш.
- 3.7. “Таъминотчи”нинг айби берган тармоқ сувидаги иссиқлик энергияси йуқотишлари учун “Истеъмолчи” томонидан ҳақ туланмайди.
- 3.8. “Таъминотчи” ва “Истеъмолчи”нинг иссиқлик тармоқлари баланс буйича мансублиги бўлинини чегарасигача иссиқлик энергияси етказиб бериш буйича барча харажатлар ва унинг йуқотишлари тарифларда ҳисобга олинган бўлиб, тарифлардан орғича кўшимча ҳақ туъланишига йўл қўйилмайди.
- 3.9. Иссиқлик тармоқларининг баланс буйича мансублиги бўлинини чегарасидан кейин иссиқлик энергиясининг барча харажатлари ва йуқотишлари “Истеъмолчи”нинг ҳисобига тегишли бўлади. Агар иссиқ сув “Истеъмолчи”нинг иссиқлик тармоқлари орқали узатилса иссиқлик энергияси миқдори электр станцияси (туман қозонхонаси) коллекторида ҳисобга олиш приборларининг курсаткичлари буйича аниқланади.
- 3.10. “Истеъмолчи” ҳар ойда ҳисобга олиш приборлар курсаткичларини ёзиб олади ва ҳар ойнинг 25 сўласигача истеъмол қилинган иссиқлик энергияси ҳақидаги ҳисоботни “Таъминотчи”га тақдим этади. Истеъмол қилинган иссиқлик энергияси ҳақидаги ҳисобот “Истеъмолчи” томонидан белгиланган муддатда тақдим этилмаса, “Таъминотчи” ҳисоб-китобни шартномадаги иссиқлик юкламаи буйича амалга оширади. Амалда истеъмол қилинган иссиқлик энергияси миқдорини қайта ҳисоб-китоб қилини, соҳ ҳолидаги ҳисобга олиш приборининг курсаткичлари биргаликда ёзиб олиндиб, тегишли далолатнома тузилгандан кейин амалга оширилади. Мазкур қайта ҳисоб-китоб, кейинги ҳисобот даври учун ҳисоб-китоб қилинида ёлтиборга олинади. Иссиқлик энергияси ҳақидаги ҳисобот истеъмолчи томонидан тақдим этилганидан сўнг “Таъминотчи” томонидан “Истеъмолчи” билан биргаликда ҳисоблагичларнинг курсаткичи ва ҳақиқий истеъмол қилинган иссиқлик энергияси буйича ҳисобот расмийлаштирилади (4-Илова), у узатиш ва истеъмол қилинган иссиқлик энергиясини ҳисобга олишнинг бирламчи ҳужжати бўлиб ҳисобланади. Ҳисобга олиш приборларининг курсаткичлари тақдим этилган бўлса, улар буйича ҳисобот бир томонлама тартибда тузилади.

“Таъминотчи” истеъмоладан қилинган иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китобни урнатилган шаклда (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат қўмитасида рўйхатга олинган йуриқнома иловасига асосан) бўйича амалга оширилади ҳамда ҳисоб-варақасини ёзиб “Истеъмолчи”га топширилади.

Шу билан бир вақтда “Таъминотчи” ҳисоб-варақасига асосан хизмат кўрсатувчи банк орқали “Истеъмолчи”нинг ҳисоб рақамидан акцептсиз равишда ечиб олингани учун ҳисобот ойнага ҳисобланган ва амалга оширилган туловлар суммаси айрилган қиймат бўйича тулов талабномасини тақдим этади.

“Истеъмолчи” ҳар ойда иссиқлик энергияси учун шартномавий миқдорнинг 15 % (ун беш) фоиз миқдорда тариф бўйича қонунчилик билан ўрнатилган тартибда олдиндан туловни амалга оширилади.

3.11. “Истеъмолчи” томонидан ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларидаги нуқсонлар ёки иссиқлик энергияси сарфини ҳисоблашда йўл қўйилган ҳатолар аниқланган тақдирда “Истеъмолчи” бир ҳафта муддатда бу ҳақда “Таъминотчи”га ариза бериши керак.

Ҳисобга олиш приборларини текшириш тўғрисида ариза берилиши “Истеъмолчи”ни у истеъмоладан қилган иссиқлик энергияси учун туловни белгиланган муддатда тулашдан озода қилмайди.

3.12. Узатиладиган иссиқлик энергияси учун “Истеъмолчи” “Таъминотчи”га 1 Гкал учун Вишоят молия бошқармаси томонидан тасдиқланган декларацияда тасдиқланган тариф бўйича тулайди.

3.13. Тулик етказиб берилмаган иссиқлик энергиясининг миқдори ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари бўйича аниқланади. Чеклаш вақти “Таъминотчи” диспетчерлик хизмагининг оператив дафтаридаги ёзувлар бўйича аниқланади ҳамда икки томонлама далолатнома билан расмийлаштирилади.

“Таъминотчи”нинг айби билан “Истеъмолчи”нинг технологик эҳтиёжларида иссиқлик энергияси тулик етказиб берилмаганиги, ҳисобга олиш приборлари бўйича, иссиқлик энергияси тулик етказиб берилмаган суткадан олдинки 3 суткадаги иссиқлик энергиясининг ўртача сутикалик истеъмоли билан иссиқлик энергияси тулик етказиб берилмаган суткада амалдаги истеъмоладан ўртасидаги айирма сифатида аниқланади.

3.14. Ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларининг ноўқурлиги ёки иссиқлик энергияси сарфини ҳисоблашда ҳатоларга йўл қўйилганини тасдиқланган тақдирда “Таъминотчи” охириги ҳисоб-китоб давридаги иссиқлик энергияси сарфини тегишли равишда, “Истеъмолчи”нинг вакиллари билан биргаликда далолатнома тузиб қайта ҳисоб-китоб қилишига мажбур.

Йўл қўйилган ҳатолар бўйича бажарилган қайта ҳисоб-китоб кейинги ҳисоб-китоб даврида истеъмоладан қилинган иссиқлик энергияси учун навбатдаги тулов ҳужжатини ёзишда ҳисобга олинади.

3.15. “Истеъмолчи”парга иссиқ сув эҳтиёжлари учун етказиб бериладиган иссиқ сув ҳарорат жаъвалидан пасайтувчан тақдирда, иссиқ сув учун тариф бўйича 0,2 фоизли чегирма билан амалга оширилади.

3.16. Тарифлар ўзгарган тақдирда, улар амалга киритилган вақтдан бошлаб ҳисоб-китоблар, янги тасдиқланган тарифлар бўйича амалга оширилади.

Истеъмоладан қилинган иссиқлик энергияси учун “Истеъмолчи” томонидан туловлар, ҳисоб-китоб ойдан кейинги 30 календарь кун мобайнида амалга оширилади.

3.17. Шартномавий иссиқлик юқламасини ўзгартириш “Истеъмолчи”нинг буюртмасига кура “Таъминотчи” томонидан ўз шикоятларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

#### IV. ТОМОНЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. “Истеъмолчи”нинг ҳуқуқлари:

а) иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномасига мувофиқ иссиқлик таъминоти корхонасидан иссиқлик энергиясининг узлуксиз етказиб берилишини талаб қилиш;

б) иссиқлик энергиясини етказиб бериш режимини назорат қилиш, иссиқлик энергияси параметрларининг шартномавий миқдорлардан четга чиқишига йўл қўймаслик;

иссиқ сув етказиб бериш бўйича:

иссиқлик берувчи қувурда сув ҳарорати бўйича – 3 фоздан ортиқ (+);

иссиқлик берувчи қувурда сувнинг босими бўйича - 5 фоздан ортиқ (+);

орқага қайтадиган қувурда сувнинг босими бўйича - 20 кПа ортиқ (+) четга чиқишига йўл

қўймаслик. Бунда параметрлар ўртача сутикалик миқдор сифатида олинади;

в) “Иссиқлик энергиясидан фойдаланиш” қондалари талабларига мувофиқ ўзининг иссиқлик тармоқларига субистеъмолчиларни улаш;

г) иссиқлик энергиясининг шартномавий параметрлари “Таъминотчи”нинг иссиқлик энергияси истеъмолини тўхтатиш. Ушбу ҳолда “Таъминотчи” қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда “Истеъмолчи” олдида жавоб беради.

4.2. “Истеъмолчи”нинг мажбуриятлари:

а) “Табиати муҳофаза қилиш тўғрисида”, “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларида, “Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларини техник эксплуатация қилиш қондалари”га, “Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қондалари”га ҳамда “Иссиқликдан энергиясидан фойдаланиш қондалари”га қатъий риоя қилиш;

б) иссиқлик энергияси ва иссиқ сув учун тузилган шартномада 2.2 бандида курсатилган истеъмол жадвалига асосан буюртмани тулик қабул қилишни, иссиқлик энергия учун шартномада белгиланган муддатларда ҳақ тулаш;

в) “Таъминотчи” билан келишмасдан иссиқлик энергияси бир соатлик юктамаларнинг шартномавий миқдорини оширмалик ҳамда иссиқлик энергиясидан фойдаланиш бўйича тузилган шартномага мувофиқ иссиқлик истеъмоли режимига риоя қилиш ва тармоқ сувининг олинishi миқдорини оширмалик;

г) иссиқлик истеъмоли режимига нисбатан “Таъминотчи”нинг тезкор қўрсатмаларини бажариш;

д) тармоқ сувини иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномасида белгиланган миқдорда ва тегишли ҳароратда қайтариш;

е) иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқлари, иссиқликни ҳисобга олиш приборлари, қувурлар изоляцияси ва иссиқликдан фойдаланувчи ускуналарни техник жиҳатдан соз ҳолатда сақлаш;

ж) иссиқлик энергияси истеъмолини вақтинча тўхтатиш билан боғлиқ бўлган таъмирлаш ишларини бажариш муддатларини “Таъминотчи” билан келишиш;

з) ҳисобга олиш приборлари, иссиқ сувни тўкиш учун жумраклар, торайтирувчи қурилмалар ва арматурани “Таъминотчи”нинг вакили билан биргаликда пломбалаш, уриштирилган пломбаларнинг сақланишини таъминлаш. Пломбаларни олиш “Таъминотчи”нинг руҳсати билан амалга оширилиши лозим;

и) “Таъминотчи”нинг вакилларини иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш приборларини сутканинг исталган вақтида тўскинликсиз қўздан кечириниши таъминлаш;

к) иссиқлик энергиясидан нооқилона ва исрофгарчилик билан фойдаланилишига йўл қўймастик;

л) иссиқлик тармоқлари устида иморатлар қурилишига, материаллар таҳлилишига, дарахлар ўтказилишига йўл қўймастик;

м) “Таъминотчи” билан келишмасдан иссиқлик тармоқларини, муҳандислик ускуналарини ва қурилмаларни қайта жиҳозлашга йўл қўймастик;

н) иситиш приборларининг қўшимча секциялари, беркитиш ва бошқариш арматураларни уриштирилишига ва чиқариб олинишига йўл қўймастик;

о) иситиш тизимларида иссиқлик тармоқларидан бошқа мақсадларни фойдаланилишига (иситиш тизимлари ва приборларидан сув окизилишига) йўл қўймастик;

п) “Истеъмолчи” “Таъминотчи”нинг балансида турган иссиқлик тармоқларида, олдиндан келишилган ҳолда амалга ошириладиган таъмирлаш ва қурилиш ишларини бажариш учун “Таъминотчи”нинг вакилларини ўз ҳудудига киритиши лозим;

р) барча иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларининг ижро қизмалари ва паспортларига ҳамда эксплуатация қилиш йўрналишларига эга бўлиш;

с) иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларига тайёргарлик қурган ходимлар томонидан хизмат қўрсатилишини таъминлаш;

т) ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (бажариладиган ишлар) бирлигига, иссиқлик энергияси сарфининг меъерларини ишлаб чиқиш ва уларга риоя этилишини назорат қилиш.

#### 4.3. “Таъминотчи”нинг ҳуқуқлари.

4.3.1. “Таъминотчи” қуйидаги ҳолларда “Истеъмолчи”ни оғоҳлантириб, унга иссиқлик энергияси етказиб беришни тулик ёки қисман тўхтатиш ҳуқуқига эга:

а) иссиқлик энергияси учун тулов ҳужжатида белгиланган муддатларда ҳақ туламаганда ёки иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномасида белгиланган миқдорда олдиндан тулов амалга оширилмаганда;

б) субистеъмолчилар, янги иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқлари ўзбошимчилик билан уланганда;

в) иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқлари “Ўздавэнергопазorat” ДИ руҳсатсиз ишга гуаширилганда;

г) иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқлари ҳисобга олиш приборларидан олдин уланганда;

д) иссиқлик юктамаларининг белгиланган шартномавий миқдорлари ёки тармоқдан сув сарфининг миқдори “Таъминотчи”нинг розилигисиз оширилганда;

е) иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномасида белгиланган бир соатда олинган тармоқ сувининг миқдори оширилганда;

ж) тармоқдаги сув ифлосланганда;

з) “Таъминотчи” вакиллари иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш приборларини қуришга қўйилмаганда.

4.3.2. Ускуналарни таъмирлаш бўйича режални ишларни амалга оширишда ёки янги “Истеъмолчи”ларни улашда захира таъминлаш манбаи мавжуд бўлмаса “Таъминотчи” “Истеъмолчи”ни узиб қўйиш ҳуқуқига эгадир. “Истеъмолчи”ни иссиқлик энергияси етказиб беришнинг тўхтатилиши тугрисида оғоҳлантириш иссиқлик энергияси етказиб беришда танаффуснинг алик сапасини (қулар ва соатларни) келишиш учун 10 кун олдин амалга оширилади. Агар оғоҳлантиришдан кейин 5 кун муддатда “Истеъмолчи” иссиқлик беришдаги танаффус вақтини келишиб олмаса, “Таъминотчи” ушбу вақтни мустақил равишда белгилаш

ҳуқуқига эга. Иссиклик энергияси беришдаги танаффус, имкони борича, бу ҳақда узиб қўйишдан камиди 24 соат олдин "Истеъмолчи"ни огоҳлантирган ҳолда, унинг ишдан ташқари вақтида амалга оширилиши керак.

4.3.3. Авариянинг олдини олиш эки бартараф этиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни куриш учун "Таъминотчи", узиб қўйиш сабабларини дарҳол маълум қилган ҳолда, "Истеъмолчи"га иссиқлик энергияси етказиб беришни тўхтагиб қўйиш ҳуқуқига эга.

4.4. "Таъминотчи" куйидагиларга мажбур:

а) шартномага мувофиқ "Истеъмолчи"га иссиқлик энергиясининг узлуксиз етказиб берилишини таъминлаш;

б) "Истеъмолчи"да "Таъминотчи"нинг объектида ўриштирилган иссиқлик энергиясининг ҳисобга олиш приборлари курсаткичларининг тўғрилиги бўйича шубҳа туғилмайдиган бўлса, "Таъминотчи", белгиланган тартибда, сутканинг исталган вақтида "Истеъмолчи" вакиллари иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш приборларини кўздан кечиришни таъминлаши лозим;

в) иссиқлик тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегараларида иссиқ сув параметрларининг шартномага мувофиқ бўлишини таъминлаш, уларнинг:

иссиқлик берувчи қувурда сув ҳарорати бўйича - 3 фойздан ортиқ ( $\pm$ );

сув босими бўйича

иссиқлик берувчи қувурда - 5 фойздан ортиқ ( $\pm$ );

орқага қайтадиган қувурда - 20 кПа дан ортиқ ( $\pm$ ) ҳетга чиқишига йўл қўймаслик. Бунда параметрлар уртача суткалик миқдор сифатида ҳисобга олинади;

г) "Таъминотчи"нинг айби билан тўлиқ етказиб берилмаган иссиқлик энергияси қийматини қоплаш. Тўлиқ етказиб берилмаган энергия ҳажми "Истеъмолчи"нинг вакили иштрокида "Таъминотчи" томонида; аниқланиши билан далолатнома билан расмийлаштирилади;

д) "Истеъмолчи"нинг иссиқлик энергиясини тўлиқ етказиб берилмаганлиги, иссиқлик элтувчи параметрларини шартномадаги қийматларга нисбатан пасайганлиги тўғрисидаги эзма аризаларини 10 кун муддатда кўриб чиқиш;

е) иссиқлик тармоқларининг гидравлик ҳисоб-китобига мувофиқ "Истеъмолчи"нинг иссиқлик боғламалари учун торайтирувчи қуриямаларнинг ўлчами (размер сужающего устройства) белгилаб берилди.

#### **V. ШАРТНОМА БАЖАРИЛМАГАНДА ЭКИ ЛОЗИМ ДАРАЖАДА БАЖАРИЛМАГАНДА ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

5.1. Иссиқлик энергияси билан таъминлашда "Таъминотчи"нинг айби билан танаффуслар юз берган тақдирда "Таъминотчи" иссиқлик таъминотидаги танаффуслар оқибагида "Истеъмолчи"га етказилган моддий зарарни қоплайди.

Агарда "Истеъмолчи" шартномани 4.2 бўлими «б» бандини тўлиқ бажармаса, (шартномани олдиндан бекор қилиш, буюртма қилинган иссиқлик энергия таъминотини қамайтириш эки I (бир) ойдан кун вақт мобайнида шартномадаги буюртмадаги фойдатанишдан воз кечса ва ҳаказолар) «Таъминотчи»га шу давр мобайнида буюртма қилинган иссиқлик энергия ва иссиқ сув таъминотининг 10 % (ун) фойз зарарини қоплайди.

5.2. Иссиқ сув ҳолидаги иссиқлик энергиясини етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган ҳолларда, "Таъминотчи" "Истеъмолчи"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурий бажарилмаган қисмининг 0.4 фойзи миқдориди пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган иссиқ сув ҳолидаги иссиқлик энергиясини баҳосининг 50 фойзидан ошиб кетмаслиги лозим.

Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган томонни иссиқлик энергиясини етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик оқибагида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

5.3. Агар етказиб берилган иссиқ сувнинг сифати бўйича стандартлар, техник шартлар, қонун ҳужжатларида эки ҳужжатли шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, («Таъминотчи» ва "Истеъмолчи"нинг вакиллари билан биргаликда носозлик ҳолати келиб чиқишини аниқлаш ишлари бажарилиб икки томонлама далолатнома тузилганда) иссиқ сувни истеъмол қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, "Таъминотчи"дан сифати лозим даражада бўлмаган иссиқ сув қийматининг миқдориди жарима ундириб олишга ҳақлидир. Жаримани ундириш тўғрисидаги тўлов талабномаси банк муассасасига иссиқ сув сифати лозим даражада эмаслиги тўғрисидаги икки томонлама далолатнома тузилгандан кейин ун кун ичида тақдим этилади. Жаримани ундириш тўғрисидаги тўлов талабномаси белгиланган ун қунлик муддатни бузган ҳолда тақдим этилган ҳолларда, жаримани ундириш белгиланган тартибда амалга оширилади.

5.4. Етказиб берилган иссиқ сув ҳолидаги иссиқлик энергиясини ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун "Истеъмолчи" "Таъминотчи"га етказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0.4 фойзи миқдориди, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фойзидан ортиқ бўлмаган миқдориди пеня тўлайди.

Иссиклик энергиясини  
иссиқ сувда етказиб  
бериш шартномасига  
1 - илова

“Истеъмолчи” ва “Иссиклик таъминоти корхонаси” уртасида иссиқлик  
тармоқларининг балансга мансублиги буйича бўлиниш чегарасини белгилаш  
**ДАЛОЛАТНОМАСИ**

20 \_\_\_\_ йил \_\_\_\_ январь \_\_\_\_ -сон \_\_\_\_ шаҳар/туман

Биз, қуйида имзо чекувчилар “Таъминотчи” вакили \_\_\_\_\_ ва  
“Истеъмолчи” вакили \_\_\_\_\_ мазкур

(корхона номи, фамилия, исми, шарифи)

далолатномани шу ҳақда туздики, “Истеъмолчи” объектларидаги бино ва иншоотларга етказиб берувчи  
иссиқлик таъминоти тизимлари хизмат кўрсатишининг бўлиниш чегарасидир, бўлиниш чегарасидаги ёпиш  
арматуралари “Истеъмолчи” тасарруфида бўлиб, унинг ходимлари томонидан хизмат кўрсатилади.

Т/р	Объектнинг манзили	Объектнинг манзил рақами	Жавобгарлик ва хизмат кўрсатишининг бўлиниш чегараси
	Бино ва иншоотлари	Хисоб varaқта асосан	Икки томонлама чизилган схемага асосан

Иссиқлик таъминоти тизимларига иссиқлик ташувчи йуналишида схемада кўрсатилган чегарагача.  
“Таъминотчи” томонидан хизмат кўрсатилади, ундан кейин эса “Истеъмолчи” томонидан хизмат кўрсатилади  
ва таъмирланади.

“Таъминотчи”нинг ходими \_\_\_\_\_

“Истеъмолчи”нинг ходими \_\_\_\_\_

*Самов В*  
(Ф.И.Ш.)  
*У. Маткаримов*  
(Ф.И.Ш.)

Иссиқлик энергиясини иссиқ сувда  
етказиб бериш шартномасига 2-илова

“Истеъмолчи”нинг ваколатланган масъул шахси тайинланганлиги тўғрисидаги

**И Ш О Н Ч Н О М А**

20 \_\_\_\_ йил \_\_\_\_ \_\_\_\_\_ -сон \_\_\_\_ шаҳар/туман

“Истеъмолчи” \_\_\_\_\_

(корхона номи)

узининг 20 \_\_\_\_ йил \_\_\_\_ \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ - сонли буйруғи билан “Таъминотчи” билан алоқа қилиш ва  
иссиқлик энергиясини узатиш ва узатишни тўхтатиш билан бўлган турли хилдаги масалаларни  
қилишни учун ваколатланган масъул шахс этиб \_\_\_\_\_ ни  
тайинлайди. (жавобгар шахсининг Ф.И.Ш.)

Ваколатланган шахс билан алоқа қилиш учун ваколатланган шахсининг манзили ва телефони:

“Истеъмолчи”нинг раъиси \_\_\_\_\_

*О. Абдурақимов*  
(Ф.И.Ш.)



Иссиклик энергиясини иссик сувда  
етказиб бериш шартномасига 3- ялова

“Истеъмолчи” объектлари ва истеъмол юкламалари урнашган жойларни (дислокацияси) туғрисида

**МАЪЛУМОТНОМА**

202 йил “ ” -сон \_\_\_\_\_ шаҳар/туман

“Истеъмолчи” \_\_\_\_\_

(корхонанинг тулик номи)

Т/р	Объектнинг номи ва асосий мақсади	Объектнинг манзил рақами	Объектнинг иссиклик киритгич рақами	Юклама, Г кал/соат				Иш соатлар сони			
				Х/к испиш	х/к ша-мол-лат	Исси к сув таъминоти	Тех-нологик	Шамо лла-тиш Иши	ИСТ	Те хн ол оғ ия	Ташк и хажм кв.м
А) истеъмолчи		Хисоб varaкагада курсатилган курсаткичларга асосан									
Б) субистеъмолчи		Буюрманомага асосан «Истеъмолчи»га уданган субистеъмолчи йук									

Объектлар сониде \_\_\_\_\_ Хисоб varaкада барча курсатилган объектлар.

“Истеъмолчи”нинг иссиклик юкламалари объектнинг куралини лойihalасига мос

“Истеъмолчи”нинг бунёдкорлиги \_\_\_\_\_

“Таъминотчи”нинг ходими \_\_\_\_\_

“Истеъмолчи”нинг ходими \_\_\_\_\_

*В. Маъмурчиёв*  
(Ф.И.Ш.)  
*Р. Аманжол*  
(Ф.И.Ш.)  
(Ф.И.Ш.)

Изох. “Истеъмолчи”нинг битта объектида бир нечта иссиклик киритгич бўлса, уларнинг руйхати алохида-алохида. объект буйича юкламаларнинг якуний нагжалари билан бериллади.

Иссиклик энергиясини иссик сувда етказиб  
бериш шартномасига 4-Илова

Истеъмол қилинган иссиклик энергияси бўйича

**ХИСОБОТ**

202 йил \_\_\_\_\_ ой учун

курсаткичдан олинган кун 20 йил “ ”

Т/р	Хисоблагич тури (хисоблагич номи, тури, завод рақами)	Тармоқ-ка узатган сувнинг сарфлиги.	Тармоқдан кайтаётган сувнинг сарфлиги.	Тармоқка узатилаган сувнинг харорати	Тармоқдан кайтаётган сувнинг харорати	Бирламчи (исходний) сувнинг харорати	Исчишга ишлатилган иссиклик энергияси	Иссик сув таъминоти учун ишлатилган иссиклик энергияси	Жами ишлатилган иссиклик энергияси

Хар ойнинг 25 санагунда тудириш борилладиган тулчиғич жиҳоз курсаткичларга асосан

“Таъминотчи”нинг ходими \_\_\_\_\_

“Истеъмолчи”нинг ходими \_\_\_\_\_

*Р. Аманжол*  
(Ф.И.Ш.)  
*В. Маъмурчиёв*

Шартнома~~нинг~~ 2.2 бандига 6-илова  
 “Истеъмолчи” ва “Таъминотчи” билан келишилган  
 буюртма~~номани~~нг бир суткалик истеъмол жадвалига  
 асосан белгиланган ва йил чораклари буйича булинши  
 курсаткичлари :

Давр	Иссиқлик энергиясининг миқдори Гкал			Жами узатиладиган иссиқлик энергиясининг миқдори Гкал	бир суткалик узатиладиган иссиқлик энергиясининг миқдори Гкал
	технологик эҳтиселар	иситиш ва шамолатиш учун	иссиқ сув таъминоти		
1	2	3	4	5	6
<b>I чорак</b>	Хисоб китоб varaгида тулик тулдирилади ва барча курсаткичлар ойлик, кунлик, саотлик иссиқлик энергия миқдорлари ва тулов суммаси билан биргаликда.				
Январь					
Февраль					
Март					
<b>II чорак</b>	Хисоб китоб varaгида тулик тулдирилади ва барча курсаткичлар ойлик, кунлик, саотлик иссиқлик энергия миқдорлари ва тулов суммаси билан биргаликда.				
Апрель					
Май					
Июнь					
<b>III чорак</b>	Хисоб китоб varaгида тулик тулдирилади ва барча курсаткичлар ойлик, кунлик, саотлик иссиқлик энергия миқдорлари ва тулов суммаси билан биргаликда.				
Июль					
Август					
Сентябрь					
<b>IV чорак</b>	Хисоб китоб varaгида тулик тулдирилади ва барча курсаткичлар ойлик, кунлик, саотлик иссиқлик энергия миқдорлари ва тулов суммаси билан биргаликда.				
Октябрь					
Ноябрь					
Декабрь					
<b>Жами</b>					

“Истеъмолчи”нинг ходими

“Таъминотчи”нинг ходими

М.У



*[Handwritten signature]*

*[Handwritten signature]*

*У. Саъпаршиев*

*Р. Амаманов*



5.5. Ушбу шартноманинг бекор қилиниши ва амал қилиш муддатининг тугаши, “Таъминотчи” ва “Истеъмолчи”ни турли қуринишдаги етказилган зарарни қоплаш ва истеъмол қилинган иссиқлик энергияси учун қарзларни тулаш мажбурийатидан озод қилмайди.

5.6. Иссиқлик истеъмолчи объектларининг иссиқлик тармоқларини ҳолати ва уларга хизмат кўрсатилиши бўйича жавобгарлик чегаралари “Таъминотчи” ва “Истеъмолчи” ўртасида тузилган, иссиқлик тармоқларининг баланс бўйича мансублиғи бўлиши ва уларни эксплуатация қилиш юзасидан жавобгарлиги чегаралари далолатномаси билан белгиланади. (1-илова).

5.7. “Таъминотчи” иситиш тизими ёқилганида сув айланиши ва иссиқ сув таъминоти учун тармоқдаги сув узатилиши бир қувурдан бошқасига ўтказилиши билан боғлиқ бўлган ҳолда тармоқ суви сифатининг (шаффофлиги, ранги, хиди) вақтинча бузилганлиги учун жавобгар бўлмайди.

5.8. Иссиқлик энергияси тармоқларига ўзбошимчалик билан узатиш ёхуд улардан фойдаланиш қондаларини бошқача тарзда бузиш, иссиқлик энергияси, иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларига қасдан шикаст етказиш ёхуд бундай ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан иррадиация ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 101-моддасига асосан маъмурий жазо қўлланилишидан кейин анча миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, - Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 185<sup>2</sup>-моддасига асосан жиноий жавобгарликка тортилади.

## **VI. ФОРС-МАЖОР**

6.1. Томонлар қуйидаги ҳолатларда иссиқ сув ҳолидаги иссиқлик энергиясини етказиб бериш ва истеъмол қилиниши тўхтатиш ёки камайтиришга ҳақдорлар ва бунинг учун жавобгарликка тортилмайди: а) “Таъминотчи” ускуналарининг ишдан чиқишига сабаб бўлган табиий ҳодисалар: момақалдирак, бурон, сув тоққини, зилзила, ёнғин. 48 соатдан ортиқ вақт мобайнида ушбу ҳудудда иситишни лойиҳалаштириш учун ҳисоблаб чиқилган ҳароратдан 3°Cга ва ундан ортиқ паст бўлган ҳароратда хавонинг узок вақт совиб кетиши, б) бичангич сув сифатининг ёмонлашиши ҳолатларида;

б) енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари - бу томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кучки, бурон, қурғоқчилик ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва қўтилмаган ҳолатларда;

6.2. “Таъминотчи” тизимидаги аварияларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш ёки одамларнинг ҳафсизлигини таъминлаш ишларини ўтказиш билан боғлиқ кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни қўриш зарур бўлганда “Истеъмолчи” билан келишмасдан ва уни огоҳлантирмасдан, бироқ уни дарҳол хабардор қилган ҳолда иссиқлик билан таъминлашда таваффусга (узиб қўйишга) ёки чеклашга йўл қўйилади.

6.3. Агар мазкур шартноманинг 6.1-бадида кўрсатилган ҳолатлар томонлар ўз мажбуриятларини бажариш муддатларига бевосита таъсир кўрсатган бўлса, ушбу муддатлар форс-мажор ҳолатларининг амал қилиш вақтига сурилади.

## **VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИНИШИ, МУДДАТНИ УЗАЙТИРИЛИШИ ВА УНИ БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

7.1 Мазкур шартнома томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва 28 январь 2022 йилдан, 31 декабрь 2022 гача амал қилади. Агарда томонлардан биридан ёзма равишда шартномани бекор қилиш ҳақида ариза гушмасга, шартнома кейинги йилга узайтирилган ҳисобланади.

Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилади, улардан биттаси “Таъминотчи”да, иккинчиси эса “Истеъмолчи”да сақланади.

## **VIII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

8.1. Тарафлар ўрталарида юзага келган низолар иқтисодий судида ёки ҳакамлик суди томонидан унинг Регламенти ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосан ҳал қилиб кўриб чиқилади.

## **IX. ШАРТНОМАГА ИЛОВАЛАР**

9.1. Ушбу шартномага қуйидагилар илова қилинади ва улар шартноманинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади:

а) “Таъминотчи” ва “Истеъмолчи” ўртасида иссиқлик тармоқларининг балансга мансублиги бўйича бўлиши чегараларини белгилаш далолатномаси (1-илова);

б) “Истеъмолчи”нинг ваколатланган масъул шахсини тайинлаш тўғрисидаги ишончнома (2- илова);

в) “Истеъмолчи” объектлари ва иссиқлик юқламалари ўрнашган жойлари (дислокацияси) тўғрисидаги маълумотнома (3-илова);

г) “Истеъмолчи” ташқи иссиқлик таъминотининг принципал схемаси, унда жавобгарлик чегаралари ва ҳисобга олиш асбоблари ўрнатилган жойлар кўрсатилган бўлиши керак.

д) Иситиш учун узатиладиган иссиқлик энергиясининг ҳарорат жадвали.

е) “Истеъмолчи” ва “Таъминотчи” билан келишилган буюртманоманинг бир сўзқалик истеъмол жадвалига асосан белгиланган ва йил чорақлари бўйича бўлиши кўрсаткичлари (6-илова);

Х. ТОМОНЛАРИНИҲ РЕКВИЗИТЛАРИ

“ТАЪМИНОТЧИ”

«Хоразм несиклик манбаи» ДУК

Почта манзили: 220100 Хоразм вилояти

Урганч шаҳри А.Темур кучаси 163 уй.

Хисоб рақами: 20210000300313443001

АТИБ «Ипотека» Урганч шаҳар филиали

Банк коди (МФО) 00579

СТИР(ИШ) 200408925

Электрон манзил: Xorazmissiqlikmanbai@mail.ru

Корхонанинг кодлари:

- 1. КТУТ (ОКПО) буйича корхонанинг коди \_\_\_\_\_
- 2. МХОБТ (СОАТО) буйича Урнашган жойи коди \_\_\_\_\_
- 3. МШТ (КФС) буйича мулк шакли Коды \_\_\_\_\_
- 4. ТХШТ (КОФ) буйича ташкилий-ҳуқуқий шакли коди \_\_\_\_\_
- 5. ХХТУТ (ОКОНХ) буйича асосий иш фаолиятининг тузилиши коди \_\_\_\_\_



“ИСТЕЪМОЛЧИ”

URGANCH TUMAN XALQ TA'LIMI BO'LIMI  
 Manzil: Urganch tum. Mustaqillik ko'chasi 35-uv  
 SHXV: 100088603382170 961  
 SHXV: 000 75007  
 INN: 201661099, Moliya vaz.gi g'z INN: 201122919  
 Bank nomi (MFO) \_\_\_\_\_  
 STIR (IШ) 23402000300100001010  
 Elektron manzili: \_\_\_\_\_  
 Moliya banki XKKM T.Sh. MFO: 00014

Бюджетдан ташқари ҳисоб рақам:

(Газначилик булимининг номи)



Истеъмолчилар, ушбу бандда курсатилган маълумот, ҳисоб рақами ва ҳоказо) маълумотлар киритилганлиги ҳақида қўйилган мажбурдирлар.

*А.А.А.А.А.*

Хужжат ҳудудаси: Мен «Хоразм несиклик манбаи» ДУК ҳуқуқшуноси \_\_\_\_\_  
 тарафлар ўртасида 201\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ №\_\_ сонли умумий суммаси \_\_\_\_\_  
 ҳужжат махсус эътибор бериш туғрисидаги шартнома ҳуқуқий экспертизасини «Хужалик  
 фаолияти субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси туғрисида» ги қонуннинг 20-21  
 моддаларига асосан утқаздим.

Ҳуқуқий экспертиза қилишда «Фуқаролик кодекси» ва амалдаги меъёри ҳужжатларда  
 курсатилган талабларга асосландим.

Шартнома «Фуқаролик кодекси» ва меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига тулик жавоб  
 беради. Ушбу шартномани томонлар тузишлари мумкин.

*А.А.А.А.А.*  
 (имзо)



## YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO`G`RISIDA HUQUQIY XULOSA

**1. Loyihaning turi:** Shartnoma HH83721276

**2. Loyihaning nomi:**

“Xorazm issiklik manbayi” DUK va Urganch tumani Xalq ta’limi bo‘limi o‘rtasida 2022-yil 28-yanvardagi № 207-sonli iissiq suv holidagi issiqlik energiyasidan foydalanishto`g`risidagi shartnoma.

**3. Loyiha ishlab chiquvchisi va hujjat sanasi haqidagi ma’lumot:**

“Xorazm issiklik manbayi” DUK tomonidan ishlab chiqilgan. Hujjat 31.01.2022-yil e-huquqshunos elektron tizimiga kiritilgan.

**4. Loyihaning amaldagi qonun hujjatlariga muvofiqligi:**

Mazkur loyiha O‘zbekiston Respublikasining Fuqarolik kodeksi va O‘zbekiston Respublikasi 1998-yil 29-avgustda qabul qilingan “Xo‘jalik yurituvchi sub’ektlar faoliyatining shartnomaviy huquqiy bazasi to‘g‘risida”gi Qonun talablariga javob beradi. Loyihada o‘zaro hisob-kitob qilish tomonlarning ma’suliyati, javobgarligi hamda nizolarning hal qilish tartibi amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq.

**Urganch tuman yuridik xizmat  
ko‘rsatish markazi bosh yuriskonsulti**



**D.Xudaykulov**

01.02.2022-yil